

“Агробанк” АТБ
Бошқаруви йиғилишининг
2017 йил “21 апрел” даги
26/2- сонли қарорига ___ илова

Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш ва жисмоний шахсларни
кредитлаш департаментининг
НИЗОМИ

Тошкент-2017

1. Умумий қоидалар

1. Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш ва жисмоний шахсларни кредитлаш департаменти (кейинги барча ўринларда “Департамент”) банкнинг мустақил таркибий тузилмаси ҳисобланади.

2. Департамент банк тизимида аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш ва жисмоний шахсларга кредитлар ажратиш ишларини мувофиқлаштиради.

3. Мазкур Департамент амалдаги қонунчилик, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрдаги “Марказий банки тўғрисида”ги, 1996 йил 25 апрелдаги “Банklar ва банк фаолияти тўғрисида”ги, 2003 йил 30 августдаги “Банк сирини тўғрисида”ги, 2006 йил 4 октябрдаги “Ипотека тўғрисида”ги, 2006 йил 6 майдаги “Истеъмол кредити тўғрисида”ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 майдаги “Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-3878-сонли Фармони, Адлия Вазирлигида 2012 йил 20 мартда 2344-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг “Тижорат банклари томонидан шахсий ёрдамчи хўжаликларга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида”ги, Адлия Вазирлигида 2007 йил 18 июлда 1697-сон билан рўйхатга олинган “Тижорат банклари томонидан ёш оилаларга имтиёзли асосда кредитлар бериш тўғрисида”ги Низомлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 3 январдаги “Уй-жой қурилишига, уни реконструкция қилишга ва сотиб олишга ипотека кредити бериш тўғрисида”ги 2-сонли Қарорлари, Агробанкнинг Устави ва ички кредит сиёсати талаблари асосида ўз фаолиятини олиб боради.

4. Департамент ўз фаолиятини тасдиқланган иш режаси, шунингдек банк Бошқаруви ҳамда Кенгашининг истиқбол ва жорий иш режалари асосида амалга оширади.

5. Департамент таркибига қуйидаги тузилмалар киради:

Жисмоний шахсларни кредитлаш бошқармаси:

а) Истеъмол кредитлари ажратиш ва мониторинг қилиш бўлими;

б) Ипотека кредитларини ажратиш ва мониторинг қилиш бўлими.

Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш ва кредитлаш бошқармаси:

“Agrobank” aksiyadorlik tijorat banki
Metodologiya bo'limi
365 raqam bilan ro'yxatga olindi
20.17 yil 21. April
imzo

- а) Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш ва мувофиқлаштириш бўлими;
 - б) Аҳолининг тадбиркорлик фаолиятини кредитлаш ва мониторинг қилиш бўлими.
6. Департамент ходимларининг лавозим мажбуриятлари ушбу Низомга илова қилинади.
7. Департаментда иш юритиш тартиби Банк тизимида ўрнатилган тартиблар асосида амалга оширилади.

2. Вазифалари ва функциялари

8. Департаментнинг асосий мақсади аҳолини тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш ва жисмоний шахсларни ўрнатилган тартиблар асосида кредитлаш ҳамда мониторинг юритишдан иборат.

9. Ушбу мақсадларга эришиш учун департамент қуйидаги вазифаларни бажаради:

а) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ-2881-сонли Қарори ижроси юзасидан тармоқ ва соҳага тегишли Ўзбекистон Республикаси Президенти хужжатлари, Ҳукумат қарор ва топшириқлари ҳамда бошқа меъёрий хужжатларни ўз вақтида самарали ижро этилиши ва тўлиқ ҳажмда бажарилишини таъминлайди;

б) тегишлилиги бўйича келиб тушган жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ўз вақтида кўриб чиқиши ва уларга сифатли жавоб берилишини таъминлайди;

в) банк филиаллари томонидан аҳолига уй-жой қуриш, реконструкция қилиш ва сотиб олиш учун ипотека кредитлари ажратиш ишларини мувофиқлаштиради;

г) талабалар, уларнинг ота-оналари ва васийларига олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида кундузги бўлимда ўқиш учун таълим кредитлари ажратиш ишларини мувофиқлаштиради;

д) аҳолининг товар-моддий қимматликларга бўлган истеъмол талабларини қондириш мақсадида истеъмол кредитлари ажратилишини мувофиқлаштиради;

"Agrobank" aksiyadorlik tijorat banki
Metodologiya bo'limi
365 raqam bilan ro'yxatga olindi
20.17 yil "21" aprel
Imzo

е) аҳолини тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга кенг жалб қилиш бўйича ҳудудларда тарғибот ишларининг ўтказилишини назорат қилади;

ё) ажратилган кредитлар ва уларга ҳисобланган фоизларнинг ўз вақтида сўндирилишини таъминлаш мақсадида мониторинг ишларини юритади;

ж) банкнинг ҳудудий бошқармалари ва филиалларига аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш ва жисмоний шахсларга кредитлар ажратиш, шунингдек кредитларнинг қайтарилиши бўйича амалий ёрдам ҳамда тегишли тавсиялар бериб боради;

з) ҳудудларда аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш ва кредитлар ажратиш жараёнларининг бориши тўғрисида Бошқарувга умумлаштирилган маълумотлар тақдим этиб боради;

и) аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш ва кредитлаш бўйича келиб тушган мурожаатларни кўриб чиқади ҳамда мурожаат муаллифларига расмий жавоблар йўллайди;

й) департамент йўналишидаги кредитлаш билан боғлиқ бўлган тартиб ва қоидаларни ишлаб чиқиш, уларга қўшимчалар киритиш, шунингдек ажратилган кредитларнинг самарадорлигини ошириш масалаларида бевосита иштирок этади;

к) ўз йўналишида гаров реестри ишларини ташкил этиш ва мониторинг юритилишини таъминлайди;

л) ходимлар билан ишлаш департаменти билан ҳамкорликда аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш ва жисмоний шахсларга кредитлар ажратиш бўйича ҳудудларда ташкил этилган бўлим ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув семинари ҳамда йиғилишлар ўтказилишини ташкиллаштиради ҳамда мувофиқлаштириб боради;

м) ўз йўналиши бўйича белгиланган шаклдаги ҳисоботларни Марказий банкка тақдим этади.